

МАВЗУ:ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШ СИФАТИНИ ОШИРИШДА МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМНИНГ РОЛИ

**М.Ю.Маҳкамова,
Л.А.Халмаматова,
Н.А.Арипова**

Тошкент архитектура курилиш институти доцентлари

Аннотация

Мақолада олий таълимда ўқув жараёни сифатини оширишда мустақил таълимнинг ўрни катта эканлиги ҳақида фикр билдирилиб, педагогдан тайёр маълумот олгандан кўра мустақил фаолият жараёнида олган билимни ўзлаштириш нисбатан анча яхши натижа бериши,

ҳозирги даврда таълим тизими олдига қўйилган вазифаларни бажариш лозимлиги, талабаларнинг мустақил равишида ўқув материалларини ўзлаштириши, уларнинг касбий ўсишини рағбатлантириб бориш, уларда ижодий фаолликни тарбиялашда педагогларнинг масъулиятини ошириш зарурлиги ҳақида мулоҳаза юритилган.

Шунингдек, мақолада талаба бажараётган мустақил иш педагог учун эмас, балки ўзи учун, унинг келажақдаги муваффақиятини таъминлашининг асосий омили эканлигини тушуниши лозимлиги ҳақида фикрлар билдирилган.

Калит сўзлар

Ўқув жараёни, таълим, тарбия, ўқув материали, ўқув малакаси, ахборот таъминоти, лойиҳалаш, машғулот, мустақил фаолият, ўқитиши, таълим жараёни, ижодий ташаббус, ақлий қобилият, ижодий натижа, ижодий фаоллик, мулоқот жараёни.

Ҳозирги даврда таълим тизими олдига қўйилган вазифаларни бажариш, талабаларнинг мустақил равишида ўқув материалларини ўзлаштириши, уларнинг касбий ўсишини рағбатлантириш, уларда ижодий фаолликни тарбиялашда педагогларнинг масъулиятини ошириш зарур. Талаба ва педагог мустақил таълим уларнинг манфаати учун олиб борилишини тушуниши керак. Талаба бажараётган мустақил иш педагог учун эмас, балки ўзи учун, унинг келажақдаги муваффақиятини таъминлашининг асосий омили эканлигини тушуниши керак. Талаба олаётган билим натижасига ўзи масъуллигини англаши зарур. Педагог эса мустақил таълим фақатгина талаба учун эмас, балки, ўзи учун ҳам керак эканлиги, ўзини ишини осонлаштириш, мустақил фикр юрита оладиган талабалар билан мулоқотда бўлиб, ўз билимини бойитиш ва келажакда хизмат поғоналарида ўсишини таъминлашини англаши лозим. Шу билан бир қаторда, педагогнинг ўқув жараёнида талабалар билан ҳамкорлиги, уларнинг мустақил таълимга ишончини шакллантириши, ўқитишининг янги педагогик технологиялардан фойдаланаётганини кўрсата олиши, маъruzalarни аъдананавий, яъни, фақатгина маълумот бериш билан чегараланмасдан, балки муаммоли интерактив усуlda олиб бориши кутилаётган ижодий натижаларга олиб келади.

Ўқув жараёни сифатини оширишда мустақил таълимнинг роли сўзсиз катта. Педагогдан тайёр маълумот олгандан кўра мустақил фаолият жараёнида олган билимни ўзлаштириш нисбатан анча яхши натижа беради.

Ҳозирги даврда таълим тизими олдига қўйилган вазифаларни бажариш, талабаларнинг мустақил равишида ўқув материалларини ўзлаштириши, уларнинг касбий ўсишини рағбатлантириш, уларда ижодий фаолликни тарбиялашда педагогларнинг масъулиятини

ошириш

зарур.

Талаба ва педагог мустақил таълим уларнинг манфаати учун олиб борилишини тушуниши керак. Талаба бажараётган мустақил иш педагоги учун эмас, балки ўзи учун, унинг келажақдаги муваффақиятини таъминлашининг асосий омили эканлигини тушуниши керак. Талаба олаётган билим натижасига ўзи масъуллигини англаши зарур.

Мустақил таълимни фаоллаштирасдан олий таълимда талабаларни самарали ўқитишни кўз олдимизга келтириш қийин.Хозирги давр мутахассисидан юқори даражадаги тайёргарлик, мустақил равишда қарорлар қабул қила олиш, белгиланган вазифаларни бажариш учун қўп маълумотлар орасидан кераклигини танлаб олиш ва бу маълумотларни қайта ишлай олиш талаб қилинади.

Хозирги замон талабига жавоб бера оладиган мутахассислар тайёрлаш учун ўқув жараёнини ташкил этишни жиддий равища ўзгартириш керак, яъни аудитория соати, пассив маъруза машғулотлар улушкини камайтириш ҳисобига талабаларнинг мустақил ишлари салмоғини ошириш

зарур.

Талабаларнинг таълим олишда анъанавий ўқитиш усулидан мустақил фаолиятига катта эътибор бериб бориш асосий етакчи ғоядир. Мустақил таълим талабаларга билим беришда бу талабани ўз ҳолига ташлаб қўйиш эмас, балки педагог томонидан мунтазам бошқариладиган талабаларнинг мустақил фаолиятидир.

Шуни эсдан чиқармаслик керакки, ҳар бир педагог фақатгина ўзининг фанини асосий деб ҳисобламасдан, талабанинг мустақил таълимга ажратилган вақти ўқув режадаги барча фанлар учун ажратилганлигини эсдан чиқармаслиги керак, акс ҳолда талабаларга керагидан ортиқ берилган вазифа мустақил таълимдан кузатилган ижодий натижа ўрнига, аксинча салбий натижага олиб келиши мумкин.

Талабаларнинг мустақил таълимидан асосий мақсадлар қуидагилардан иборатdir:

- янги билим олиш усусларини эгаллаш, жараёнларни мустақил таҳлил қила олиш;
- аудиториядаги машғулотларда олган билимларини мустаҳкамлаш, чукурлаштириш, кенгайтириш ва тартибга солиш;
- меъёрий-хуқуқий актлар, маълумотлар ва махсус адабиётлар билан ишлашни ўрганиш;
- ўқув материалларини мустақил ўрганиш;
- фаоллиги, билим орттириши, ижодий ташаббуси, масъулияти ва тартиблигини ривожлантириш;
- олган билимларини амалиётда қўллай олишни шакллантириш;
- мустақил фикр юритиш, ўз-ўзини ўстириш, ўзининг режасини амалга оширишни шакллантириш;
- тадқиқот қила олиш қобилиятини ривожлантириш.

Талабалар мустақил таълимининг асосий вазифаси мустақил равища маълумотлар топиш усули билан билим олишни ривожлантириш, ўқув жараёнига ижодий ёндашишга фаол қизиқишини шакллантиришдан иборат.

Талабалар мустақил равища курс ишлари, курс лойиҳаси, битирув малакавий иши ва магистрлик диссертацияларини тайёрлаётганларида қўйилган муаммоларни чукур таҳлил қилиб, ўзларининг мустақил асосланган фикр ва хulosаларини чиқаришлари керак...!!!

Хозирги кунда компьютер билимларига эга бўлиш замон талабига айланди, бунга сабаб компьютер саводхонлигига эга бўлган кадрларга бўлган талабнинг кундан-кунга ортиб бораётганлигидир. Шу нуқтаи назардан қарагандা, ўқитишнинг турли шаклларида-назарий, амалий, семинар ва бошқа машғулотларда замонавий компьютер дастурлари имкониятларидан фойдаланиш XXI аср “техника даври” талабига жавоб бериши зарур. Шу сабабли ҳам талабаларнинг мустақил билим олиши ва ўзлаштириш даражаларини аниқлашда компьютердан ўқитишнинг техник воситаси сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Таълим жараёнида ўқитиладиган турли фанларда компьютердан кенг ва самарали фойдаланиш учун ўқув назарий ва амалий дастурлар тизими яратилмоқда. Бизнинг фикримизча, мустақил таълим машғулотларини ташкил этишда асосий эътиборни амалий топшириқларни бажаришга қаратиш мақсаддага мувофиқ. Чунки, талабаларда компьютер ва унинг амалий дастурлари билан ишлай олиш малакасини оширишга эътибор бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Талабаларнинг замонавий ахборот ва коммуникация воситалари билан ишлай олиш малакаларини эгаллашлари, дунёда бўлаётган воқеа-ходисалардан хабардор бўлишларида, ўз билим даражаларини янада бойитиб боришлирида Интернет тармоғи билан ишлай олиш малакаларини эгаллашган бўлишлари муҳим ҳисобланади.

Албатта, талабаларнинг мустақил билим олишини йўлга қўйиш натижасида дарс жараёни самарадорлигини ошириш ва таълим сифатини кўтариш ўқитувчининг асосий вазифларидан бири ҳисобланиб, унинг таълим бериш жараёнини тўғри ташкил эта олишига боғлиқдир. Агар талаба учун барча етарли шароитлар-ўқув материаллари, компьютер техникаси, автоматлаштирилган дастурлар кабилар бўлсаю, ундан фойдаланиш яхши йўлга қўйилмаган, ўқув жараёни тўғри ташкил этилмаган бўлса, юқори натижага эришиб бўлмайди. Ҳар қандай ҳолатда ҳам ўқитувчи ва талабанинг ўзаро муносабатлари муҳим ўрин эгаллайди.

Талабаларнинг фанлардан мустақил таълимимни ташкил этиш ва уларнинг мустақил билим олишлари учун дастлаб, уларнинг педагогик-психологик хусусиятларини ҳисобга олиш зарур.

Мустақил таълимни ташкил этишда компьютер технологиясидан фойдаланишни амалга ошириш учун аввал қўйидаги ишларни бажариш зарур:

1. Мавзудаги асосий тушунчаларнинг ўзлаштирилиш сифатини баҳолаш мезонини ишлаб чиқиши.

2. Мавзудаги асосий тушунчаларнинг талабалар томонидан мустақил ўзлаштиришлари учун маҳсус компьютер дастурларини ишлаб чиқиши.

3. Талабаларнинг фандан мустақил билим олишига зарур, керакли компьютер жиҳозларини тайёрлаш.

4. Олий ўқув юртларининг ўқув-тарбия жараёнида талабаларнинг ўзлаштириш даражаларига мос равища билимларни эгаллашида замонавий компьютер дастуридан фойдаланишнинг самарали йўлларини излаб топиш.

Талабалар мустақил иш топшириқларини тайёрлашда, бажаришда қўйидагиларга амал қилишлари лозим:

маъруза машғулотига оид мустақил таълим топшириқларини танлашда уларнинг аудиторияда ўрганиладиган мавзуулар билан узвийлигини таъминлаш;

уйда мустақил равища ўрганиладиган мавзууларнинг ва ўрганилиши лозим бўлган асосий саволларнинг аниқ баён этилишига эришиш;

амалий машғулотлар топшириқларини ўрганилаётган назарий ўқув материаллари билан мутаносиб бўлишини ҳисобга олиш;

амалий ишларни, мустақил ишларни бажаришга оид мавжуд методик ишланмалар яратилганлигини ҳисобга олиш;

мустақил равища ечилиши лозим бўлган мисол ва масалаларнинг аниқ рўйхатини тузиш; мустақил иш топшириқларининг ахборот таъминоти, жумладан адабиётлар рўйхати, бетлари кўрсатилган ҳолда, электрон ўқув қўлланмалар ва Интернет манзили кўрсатилишига эришиш ва х.к.

Шу нуқтаи назардан қараганда, талабанинг билиш фаолияти, яъни қобилияти унинг ақлий ривожланиш даражаси билан ўлчанади. Билиш қобилиятини аниқлайдиган мезонга ўзлаштириш тезлиги, тафаккурлаш жараёни эгилувчанлиги ва тафаккурнинг аниқ компонентлари киради. Билиш тушунчаси умумий ҳолда ақлий қобилиялар тушунчасига

моҳияти жиҳатидан яқиндир. Умумий ақлий қобилият талабанинг ўкув фаолиятида талаб этиладиган барча қобилияtlар мажмуасини ўзида мужассамлаштиради. Бунга талабанинг ўкув материалини хотирасида саклаб қолиш, ижодий фикрлаш, мантикий амаллар бажариш қобилияти кабилар киради. Бу қобилияtlар психологияда турли синфларга ажратилади ва ҳар хил талқин қилинади.

Талабаларнинг ўкув малакалари ўкув материаллари билан мустақил ишлаш жараёнида ҳосил бўлади. Бошқача айтганда, ўкув малакалари ўкув материалини қабул қилиш, қайта ишлаш, унинг муҳим жиҳатларини ажратиш, янги ўзлаштирган билимларни аввалгилари билан боғлаш, ўкув билимларини умумлаштириш, такрорлаш ва уларни амалда тадбиқ қилган ҳолда масалалар ҳал қилишда эгалланади. Шундай қилиб, ўкув малакалари талабаларнинг таълим жараёнидаги барча ўкув-билиш фаолияtlари билан боғлиқдир.

Ўкув ишларининг ҳар қандай шакли ўкув-малака талаб қиласи, масалан, ўқитувчи маъruzасини эшитиш, амалий топшириқларни бажариш, тест топшириқлари билан ишлаш, мустақил ишлаш малакаси кабилар. Талабаларнинг фандан мустақил билим олишлари жараёнида биринчи навбатда мустақил ишлаш малакаси талаб этилади. Бундай малака ўкув материаллари билан мустақил ишлаш жараёнида ҳосил бўлади. Бошқача айтганда, ўкув малакалари ўкув материалини қабул қилиш, қайта ишлаш, унинг муҳим жиҳатларини ажратиш, янги ўзлаштирган билимларни аввалгилари билан боғлаш, ўкув билимларини умумлаштириш, такрорлаш ва уларни амалда тадбиқ қилган ҳолда масалалар ҳал қилишда эгалланади.

Ўкув жараёни давомида маъруза машғулотларини ўтишда кўпгина педагогларимиз “Қандай методдан фойдаланиш мумкин?” деган муаммога дуч келишади. Кўп ҳолларда бу муаммо маъруза методидан фойдаланган ҳолда ечилади. Дарс жараёнида таълим методларини танлаш мавзунинг мазмунига боғлик бўлади ва ўзига ҳос мазмунини баён қилиш технологияси танланади, бунда талабаларнинг психологик тайёргарликлари, билимларни ўзлаштириш ва фикрлаш даражалари, ҳар хил таълим боскичи учун мос методлари ҳисобга олинади. Талабалар ўкув жараёнида мустақил фаолият олиб бориш учун педагогдан қўйидаги тайёргарлик ишлари олиб бориш талаб қилинади: фан бўйича ўкув-услубий мажмуа тайёрлаш ва ўқитиши мухитини лойиҳалаш; ўкув дастурини яхшилаш, яъни мустақил иш мавзуларини киритиш, мустақил ишни мустақил таълимга намунавий топшириқларни киритиш билан мунтазам равишда назорат килиб бориш; талабаларнинг ҳар томонлама билимдонлиги, малакавий билимини ривожлантириш; талаба мустақил ишни бажараётганда қанча соат ва балл берилишини ҳисоблаш; ўқитишнинг усул ва воситаларини кўрсатган ҳолда технологик харита ишлаб чиқиши.

Педагог маслаҳатчи, эксперт, тыютор ва модератор вазифасини бажаради, яъни талабани қўллаб-қувватлайди. Педагог талабага маълумот, технологик ва психологик нуктаи назардан маслаҳат беради. Шундай талабалар борки, улар мустақил равишда фаолият олиб бора олмайдилар, бу ҳолатда педагог модератор вазифасини амалга оширади. Модераторлик талабанинг ички имкониятларини очишга каратилган бўлиб, ички қобилияtlари ва яширинган имкониятларини очишга каратилган. Модераторнинг асосий вазифаси талабанинг фаолиятини фаоллаштириш, улардаги муаммоларни аниқлашдир. Талабаларнинг мустақил ишини ташкил этишда мустақил ўрганишга олиб чиқилаётган ўкув материаллари ҳажми ва мазмунининг тузилишига катта эътибор бериш билан бир қаторда услубий таъминлашга катта эътибор бериш керак. Услубий таъминот фақатгина маълумотлар базаси бўлмай, у талабани ижодий фаолиятга йўналтириши керак. Маъруза дарсларида камида 50% вақтда талаба мустақил ишлаши керак, бунинг учун маърузани савол-жавоб-мунозара шаклида ташкил этиш лозим, яъни, ўқитувчи янги маълумотни нафақат баён этади, балки, қўйилган саволларга жавоб излаб топишни ташкиллаштиради; маърузани савол-жавоб усулида олиб боришда ўқитувчи маъруза давомида бутун курс ёки булим бўйича

ўқувчиларнинг саволларига жавоб беради; анжуман, маъруза, ўқув дастури доирасида илмий-амалий машғулот сифатида, аввалдан белгиланган муаммо буйича маъруза ва сўзга чиқишилар эшитилади; машғулот якунида ўқитувчи маълумотларни тўлдиради ва аниқлик киритади; ўқувчиларнинг вактинча эркин фикр алмашишига рухсат берилади; ўқитувчи олдиндан кўзланган хатоликлар килиб, маъруза якунида талабаларнинг ташҳиси ва қўйилган хатоликлар таҳлили олиб борилади; ўқувчиларга саволлар берилади ва уларнинг жавобларидан фойдаланилади.

Хулоса килиб айтганда, олий таълимда фанларни ўқитиш сифатини оширишда мустақил таълимнинг ўрни жуда катта. Ҳар бир педагог талабаларнинг фанлардан ўзлаштириши лозим бўлган мустақил таълимини тўғри амалга оширишлари зарур ва шарт.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. М.Ф.Хакимова ва бошқалар. Maxsus фанларни ўқитиш методикаси. Т. 2019 йил.
2. Маҳкамова М.Ю. Педагогик технологиялар. Т; Фан ва технология, 2020 й.
3. Шарон Вунне. Касбий педагогика ва маҳорат. АҚШ. 2015.
4. Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шахри. Тошкент: Халқ мероси, 2017.
5. Асқарова Ў., Қорабоев З. Педагогик маҳорат асослари. Муаммоли маъruzalар матни. Наманганд, 2005.
6. Ибрагимов.Х., АбдуллаевШ. Педагогика назарияси. Дарслик. Т.Фан ва технология. 2008.
7. Махкамова М.Ю.Касбий педагогика. Т.2018.